



# ТОШКЕНТ

# ОҚШОМИ

2019 йил 7 январь, Душанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 2 (13.849)

Баҳоси эркин нарҳда

**Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси Хитой Халқ Республикаси зиёлилари доирасида, жумладан, журналистлар ҳамжамияти аъзолари ўртасида ҳам ўз акс-саҳосини берди.**

## “ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТИГА МУРОЖААТНОМАСИ ТОМ МАЪНОДАГИ ДАСТУРУЛАМАЛ ҲУЖЖАТДИР”

**Юй Шаньшань, Хитойдаги “Женьмин Хуабao” нашриётининг таҳририят мудири:**

Мен Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламентига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси билан атрофлича танишиб чиқдим. У 2018 йил, яъни “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давомида босиб ўтилган ривожланиш йўли ҳолисона ва танқидий баҳоланган, қўлга киритилган, катта эътиборга молик муваффақиятлар сарҳисоб этилган ва ўзбек жамияти тараққиётининг устувор йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилган муҳим дастуруламал ҳужжат сифатида хотирамда қолди.

Мен касбим тақозосига кўра, Марказий Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Ҳақиқатан ҳам кейинги икки йил давомида Ўзбекистон халқаро муносабатларда очик ва амалий, фаол ташқи сиёсат олиб боргани туфайли мамлакатнинг ишончли ҳамкор сифатидаги образи янада юксалди. Буни менинг она Ватаним – Хитой Халқ Республикаси билан турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ривожиди ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда Ўзбекистоннинг очик, амалий ва фаол ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиё минтақасида мулақо бошқача, яъни аҳил қўшничилик ва фаол ҳамкорлик муҳити юзага келганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турганини таъкидлашни истар эдим.

Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояси киритилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини олиб борган бўлса, уша мамлакат ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Ўзбекистон раҳбари сармояга “иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, унинг юраги”, дея таъриф бергани ҳам унинг мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш асосида халқ фаровонлигини ошириш учун изчил ва пухта сиёсат олиб бораётганидан далолат беради.

**Кэ Лици, Хитойда нашр этиладиган “The new Silk Road review” журналининг ижодий ходими:**

Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламентига Мурожаатномаси замонавий ўзбек жамияти ҳаётининг барча соҳаларига оид муҳим жиҳатларни қамраб олгани билан эътиборини тортиди. Ушбу муҳим ҳужжатда очик иқтисодиёт, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, хусусий секторни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини кўпайтириш, барқарор моетар сиёсатни амалга ошириш, солиқ юкни камайтириш, бизнес юритиш учун янада қўлай шароитлар яратиш, озиқ-овқат хавфсизлиги малакали кадрларни тайёрлаш, ишсизликни камайтиришдан тортиб аҳолининг реал даромадларини оширишга бўлган, мухтастар қилиб айтганда, мамлакат ҳаётининг барча қирраларига алоқадор жуда муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя бир-бири билан чамбарчас боғланган. Президент таъкидлаганидек, “бу узвий боғлиқ бўлган тушунчаларни бир-бириндан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди”.

Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисага тақдим этган ўз Мурожаатномасида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинган 2019 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ҳам аниқ-равшан белгилаб берган. Булар аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ижтимоий муҳофаза қилиш, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш сингари жуда муҳим жиҳатларни қамраб олгани билан эътиборга сазовордир, деб ўйлайман. Ўзбекистон Президентининг мамлакат парламентига Мурожаатномаси мамлакат тараққиёти, унинг эртанги кунини учун том маънодаги дастуруламал ҳужжат ҳисобланади.

**Шухрат УМИРОВ,  
“Дунё” АА мухбири**  
Пекин

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА КАДРЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви ва иқтисодиёт устувор тармоқларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Куйидагилар:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси дастуруларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

ни ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаш бўйича амалга оширилади:

таълим;  
фан ва илмий тадқиқотлар;  
соғлиқни сақлаш;  
давлат бошқаруви;  
иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари.  
3. 2019-2021 йилларда Жамғарма стипендиялари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурулари бўйича ўқишга юборилмаган кадрларнинг прогноз миқдори 3-иловага мувофиқ 4 000 ўриндан кам бўлмаган миқдорда, Жамғарма стипендияларига ажратилган умумий ўринларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорини магистратура ва докторантурада ўқиш учун ажратилиши маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида электротехника саноати ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди, бу эса ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштирган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини яратди.

Шу билан бирга, 2017 йилда электротехника саноатига киритилган инвестицияларнинг салмоғи республика бўйича умумий инвестицияларнинг атиги 0,8 фоизини, ЯИМ таркибида электротехника маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,5 фоизни ташкил этди.  
Саноатда хомашё базасининг чегараланганлиги хорижий аналоглари билан солиштирилганда унинг таннари ошшига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, хомашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг импортида қўшилган қиймат солиғи мuddатини кечиктиришга имкон яратиш ва ҳисобга олиш механизмининг мавжуд эмаслиги экспорт қилувчи ташкилотларнинг айланма маблағлари бошқа мақсадларга жалб қилинишига ва харajatларнинг ошшига олиб келмоқда.

Электротехника саноати ташкилотларининг фаолият самарадорлигини янада ривожлантириш ва

ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Электротехника саноати корхоналари, “Ўзэлтхасаноат” АК акциядорларининг умумий йиғилиши, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

“Ўзэлтхасаноат” АК негизда унинг мол-мулки ва давлатга тегишли бошқа воситаларни, шунингдек, дебитор ва кредитор қарздорлигини (“Ўзэлтхасаноат” АКга тегишли хўжалик жамиятларининг кўчмас мулки ва устав капиталидидаги акциялар пакети (улуши) бундан мустасно) ўтказган ҳолда Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари уюшмасини (кейинги ўринларда – “Ўзэлтхасаноат” уюшмаси) ташкил этиш;

“Ўзэлтхасаноат” АКга тегишли хўжалик жамиятларининг кўчмас мулки ва устав капиталидидаги акциялар пакети (улуши)ни Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтказиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда)

**Владимир НОРОВ:**

## КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ШҲТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ОЧАДИ

**ШҲТ Бош котиби Владимир Норов масъулиятли лавозимдаги фаолияти, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилажак ишлар ҳақида ЎЗА мухбирига интервью берди:**

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда билдирилган тақлифлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби сифатидаги фаолиятим учун жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари мен Ўзбекистоннинг ШҲТдек нуфузли ташкилотнинг масъулиятли лавозимига тайинланган биринчи вакили эканлигимни алоҳида таъкидлади. Бу ишонч менга Циндаодаги саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам билдирилди. Келгусида ўз билим ва тажрибамни бу ишончни оқлашга, аъзо давлатлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратаман.

Бош котиб сифатида ШҲТ аъзоларига, ташкилот Хартияси ва Шанхай рўхига риоя қилиш, аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга йўналиш берилган концептуал ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш фаолиятимнинг асосий тамойилига айланади.

2018 йилдан Ҳиндистон ва Покистон ШҲТда тенг ҳуқуқли аъзо

сифатида иштирок эта бошлади.

Ушбу давлатларга қабул қилинган ҳужжатлар ва ШҲТнинг 30 га яқин ишчи органи фаолиятига қўшилшга қўмаклашиш Котибиятининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Чунки янги аъзолар Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузини янада оширишда катта роль ўйнайди. Бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилмаган ҳолда ШҲТ маконидида, балки Марказий Осиёда хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлашда муҳим омиллардан. Шу босқич Президентимиз ШҲТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолиятини ривожлантириш, бу борада махсус “Йул харитаси” ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ШҲТ давлат раҳбарларининг Ешларга қўшма мурожаатини рўёбга чиқариш, хавфсизлик соҳасида Тошкентда жойлашган ШҲТ Минтақавий ақсил-террор тузилмаси билан мувофиқлаштирилган тадбирларни

ўтказишга эътибор қаратаман.

Бугунги кунда ШҲТ маконидида икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда, аммо кўп томонлама инвестициявий дастурлар хануз амалга оширилмаган. Президентимиз Циндао саммитида бу масалага ҳам эътибор қаратган эди. Ушбу тақлиф давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди. Эндиликда уни амалга ошириш учун зарур молиявий механизмларни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Учрашувда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, логистика марказлари ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликка тўсқинлик қилмайдиган ортиқча тариф ва стандартларни энгиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўйлайманки, бу борадаги ташаббуслар рўёбга чиқарилишида янада янги имкониятлар очади.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**  
Ўзб олд

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтмоқда.**

## ИННОВАЦИОН ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бу одатий ёки анъанавий машғулот эмас. Гап шундаки, қишқи таътил вақтида тизимдаги раҳбарлар, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари мутахассислари иштирок этаётган семинар таълим соҳасидаги илмулоқотлар, мавжуд муаммолар ечим ҳақида интерактив усулларни қўлланган ҳолда ўтказилмоқда.

Асосий мақсад – умумтаълим мактабларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш орқали ўқувчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли гайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ўқувчилар онгидида ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш ҳамда таълим-тарбияга маъсул бўлган мутасадди ходимларнинг малакасини оширишдан иборат.

Ўқув-семинарда фарзанд таълим-тарбияси, Ўзбекистонда давлат ва диннинг ўзаро муносабатларида амал қилинадиган асосий тамойиллар, ёшларда бурч ва маъсулиятни шакллантиришда “оила – маҳалла

– таълим муассасаси” ҳамкорлиги каби йўналишларда қилиниши лозим бўлган ишлар таҳлил этилмоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, халқ таълими тизимида ҳар томонлама етуқ, баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб масалалари, узлуксиз маънавий тарбия, бу борадаги хорижий тажриба, ҳуқуқий таълим-тарбияни шакллантириш самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни қўллашнинг аҳамияти каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинарда тайёргарлик жараёнида ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида 12 та мавзунини қамраб олган видеоресурслар яратилди ва интернет тармоғига жойлаштирилди. Умумтаълим мактабларида учинчи чорак бошлангунга қадар педагогик жамоа учун мазкур ресурслардан фойдаланган ҳолда видео-сабоқлар ташкил этилади.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**  
ЎЗА мухбири

**XXI аср**  
Барча манбалардан олинган сўзлар хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Қашқадарё вилоятида уй-жойга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган хотин-қизлар, эҳтиёжманд оилаларга уй-жойга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва Президент совғалари тантанали равишда топширилди. Тадбирда 50 нафар ногиронлиги бор шахсга махсус аравача берилди, 43 оилага янги хонадонлар қилини ва махсус сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар тўхта этилди.

• Жиззахда Агрисаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ташаббуси билан Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш заنجирини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида “Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, логистика ва экспортни ташкил қилиш” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

• Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Жалолиддин Мангуберди орденли ҳарбий қисмида Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан эълон қилинган ватанпарварлик ойлани доирасида ўқувчи-ёшлар учун “Очик эшиклар кунини” ўтказилди.

• Наманганда солиқ тизимидаги ислохотларни сифатли бажариш, солиқ тўловчиларга қўмаклашиш ва улар билан манзилли ишларни амалга ошириш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳининг семинари йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят прокуратураси, солиқ, банк, молия, иқтисодиёт, статистика, савдо-саноат палатаси муассасалари раҳбарлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

**ЖАҲОНДА**  
• Хитойнинг Ойда ҳаракатланувчи кичик ҳаво кемаси манзилли муваффақиятли қўниб, Ерга Ойнинг ташқи тарафининг дастлабки суратларини юборди. Ушбу қурилманин Ойда узоқ вақт давомида илмий тажрибалар ва

тадқиқотлар ўтказиши мўлжалланган бўлиб, мазкур сайёрада қартошқа етиштириш ва ипак қуртини ўстиришга ҳаракат қилиш шулар жумласига қиради. Хитойлик мутахассислар 2036 йилга келиб, Ойга учувчилар орқали бошқариладиган космик аппаратни учуришни режалаштиришмоқдалар.

• Россиянинг Магнитогорск шаҳридаги кўп қаватли уйнинг битта йўлагидида юз берган портлаш натижасида хонадонларнинг қулаб тушиши 39 кишининг умрига зомин бўлди. Зудлик билан олиб борилган кидирув-кутқарув ишлари давомида ҳалок бўлганларнинг барчаси вайроналардан қутқариб олинди, тирик қолганлар шифохоналарга ётқизилди. Ҳозирда беш киши касалхонада даволанмоқда. Ушбу ҳодисага маъийш газининг портлаши сабаб бўлганлиги тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASI ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ  
ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЭЛ-ЮРТ  
УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА КАДРЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Белгилаб қўйилсинки;  
а) вазирликлар ва идоралар ҳар йили 1 августга қадар:

Жамғарма дастурлари бўйича хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга бюжетлар портфелини шакллантиради;

кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга бўйича тақлифларни Жамғармага киритиши, шунингдек, энг яхши тайёрланган номзодларни Жамғарманинг танловида иштирок этишлари учун тавсия қилади;

б) Жамғарманинг Вазирлик кенгаши;  
Жамғарма стипендияларини олиш учун йўналишлар бўйича номзодларни танлов асосида саралаб олиш юзасидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор мутахассисликларини тасдиқлайди;

номзодларни танлов асосида саралаб олишнинг тегишли даражаси ва сифатини таъминлаш мақсадида танлов йўналишлари бўйича ажратилган ўринларни қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилади.

5. Жамғарманинг Вазирлик кенгашига;  
қўзда тутилган лимитлар доирасида Жамғарма стипендиялари йўналишлари бўйича ўрнатилган тартибда қўшимча танловларни эълон қилишга;

алоҳида вазирлик ва идоралар ходимлари касбий фаолиятининг зарурати ҳамда ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда Жамғарма стипендияларига номзодларни танлов асосида саралаб олиш йўналишларига ўзгартиришлар киритишга;

халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингига кўра жаҳондаги энг яхши 500 талик ёки танланган фан йўналиши бўйича энг яхши 200 талик рўйхатига кирган хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг магистратураси ёки докторантурасига мустақил тарзда кирган ва таълим олаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига Жамғарма стипендияларини ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишга;

Жамғарма харажатлари параметрларида хорижий ҳамда маҳаллий таълим ва илмий муассасалари билан

биргаликда ташкил этиладиган таълим ва тадқиқот лойиҳаларини, шу жумладан, Жамғарма стипендияларига номзодларни хорижий тилларга ўқитиш дастурларини молиялаштириш учун зарур маблағларни қўзда тутишга рухсат берилсин.

6. Вазирлик ва идоралар икки ҳафта мuddатда 2019 йил учун ажратилган ўринлардан келиб чиқиб, хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича асосланган тақлифларни Жамғармага тақдим этсин.

Жамғарма Вазирлик кенгаши икки ой мuddатда бир номзодга ажратиладиган Жамғарма стипендиясининг чегаравий ўлчами ва молиялаштириш тартибини белгилаш тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Жамғарма, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар Жамғарма стипендияларини олишга номзодларни, айниқса, республика ҳудудларида хорижий тилларга ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқсин;

2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Жамғарма стипендияларини олишга номзодларни хорижий тилларга (инглиз, немис, француз ва бошқалар) ўқитиш махсус дастурлари асосида махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасы маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ-5545-сонли Фармонида қўзда тутилган манбалар билан бир қаторда Жамғарманинг хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш қисми бўйича харажатларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаси этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасы:

2019 йилда Жамғарма дастурлари бўйича хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг молиялаштириш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратсин;  
Жамғарманинг асосланган талабномалари бўйича хо-

рижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш харажатларини молиялаштириш таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган инвестицион битимларга инвесторларнинг инвестициялари объекти бўлган ташкилотлар учун хорижда кадрларни (мутахассисларни), шу жумладан, Жамғарманинг таълим дастурлари бўйича ўқитиш йўли билан тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг молиялаштириш бўйича мажбуриятлари киритилишини амалиётга татбиқ этсин;

Жамғарма ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Жамғарма дастурлари доирасида хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг узоқ мuddатли грант маблағларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифларни киритсин.

11. Жамғарма хорижда таълим оладиган стипендиатларнинг дастлабки миқдорини аниқлаб, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича аниқ тақлифларни бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан биргаликда Жамғармага қўйидаги масалалар юзасидан кўмак берилишини таъминласин:

халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда уларни кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш;  
республика мутахассисларини хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга юбориш;  
хамкорлар излаш ҳамда Жамғарма стипендиатларини ўқитиш учун хорижий мамлакатлар етакчи универ-

ситетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимларни тузиш;

бир йилда камда икки марта Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари иштирокида Жамғарма дастурлари бўйича кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг ташкиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш учун видеоселектор йиғилишини ўтказиш.

13. Вазирликлар ва идоралар бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Жамғармага:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишга етакчи хорижий экспертлар, шу жумладан, чет элда яшайдиган ватандошларни жалб этиш ҳамда уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш масалаларини ишлаб чиқиш учун иқтисодий тармоқлари ва соҳалари бўйича талаб этиладиган мутахассисликлар рўйхатини;

илгари тегишли вазирликлар ва идораларнинг марказий аппаратлари ва таркибий бўлинмаларида ишлаган, ҳозирда чет элга чиқиб кетган юқори малакали мутахассислар рўйхатини киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига Жамғарма томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

15. Жамғарма манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2019 йил 4 январьЎзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАШТИРИШ ВА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Қўйидагилар:  
ихтиёрий асосда аъзо бўлган электротехника саноати корхоналари ва ташкилотлари “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси аъзолари ҳисобланиши;

ижро аппаратларини тузилмасини тасдиқлаш “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилиши;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланиши;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси аъзоларининг бадал ва ажратмалари ҳамда қўшимча таъсисчилар билан манбалар ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:  
хомашени қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан, саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш асосида саноатни барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

ички ва ташқи бозорларда электротехника маҳсулотларига бўлган талаб қўйидаги муносабатларни ўрганиш ва шу асосда маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштиришда кўмаклашиш, ички бозорни юқори сифатли миллий электротехника маҳсулотлари билан тўлдирish ва унинг экспорт географиясини, шу жумладан, турли ахборот ресурслари ва кўрғазма тадбирларида миллий брендларни илгари суриш ва электротехника саноати корхоналари салоҳиятини намойён этиш орқали кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича юқори технология ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун инвестициялар, биринчи навбатда, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишга кўмаклашиш, саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ихтисослашган етакчи хорижий компаниялар билан қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

электротехника саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини халқаро талаблар ва стандартлар билан уйғунлаштириш орқали уни тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

худудлар салоҳиятини янада ривожлантириш истиқболлари, хомашё базаси, инфра-таъминлаш, меҳнат ресурслари ва бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда электротехника саноати корхоналарини жойлаштиришга кўмаклашиш;  
электротехника саноати соҳасида кадрларни тайёрлашга бўлган реал эҳтиёж ва истиқболли йўналишларни аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини тақомиллаштиришда иштирок этиш, мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш;

саноатни жадал ривожлантиришга ва электротехника саноати корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳадаги қўнунчиликни янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Сино” АЖ давлат акциялари пакетини инвесторларга танлов асосида “ноль” харид қиймати бўйича корхонанинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш билан бир вақтда корхонанинг фаолиятини соғломлаштириш учун инвестициялар киритиш шарти билан топшириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг:

ТИФ ТН кодлари 7411 гуруҳи бўйича мис қувурлар экспортига қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаш;

ТИФ ТН кодлари 7407-7410 ва 7412-7419 гуруҳлари бўйича мисдан ясалган маҳсулотлар экспортига қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини харид қилинган мис бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасининг 50 фоизини ҳисобга киритиш, қолган ярмини корхона харажатларига ўтказган ҳолда 2020 йилнинг 1 январига қадар қўллаш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

6. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таркибига кирадиган электротехника ва электр-маиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2022 йилнинг 1 январига қадар ўзининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар, шунингдек, улар томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида олиб келинадиган қурилиш мате-

риаллари импортида божхона декларациясини қабул қилинган кундан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашни 120 кунга кечиктириш имконияти берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси икки ой мuddатда қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш бўйича қарздорлик суммасини қўшилган қиймат солиғи юзасидан умумий ҳисоб-китобда ёпишни назарда тутувчи “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таркибига кирадиган электротехника ва электр-маиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга кечиктириш имкониятини бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилнинг 1 январига қадар:

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси мол-мулк солиғи ва юридик шахслардан олинмайдиган фойда солиғи тўлашдан озод этилади;  
шартномалар бўйича ташкилотларнинг “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига ажратмалари юридик шахслардан олинмайдиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чиқарилади.8. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов бир ҳафта мuddатда қўйидагиларни назарда тутувчи **Электротехника саноатида амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва янгиликларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш “Йўл харитаси”**ни тасдиқласин;амалдаги электротехника корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва янгиликларни ташкил этиш бўйича 153,8 миллион АҚШ доллари миқдоридида **22 та инвестиция лойиҳаларини 2019-2021 йилларда** амалга ошириш;

2021 йилга юқори қўшилган қийматли тайёр электротехника ва электр-маиший маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини 2 баравар ошириш;

2021 йилда тайёр электротехника ва электр-маиший маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини 400 миллион АҚШ доллари миқдорига эришиш;  
лойиҳа қиймати 500 миллион АҚШ доллари бўлган истиқболли инновация лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш.

9. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда электротехника саноати корхоналарининг алоҳида сарф-харажатла-

рини, шу жумладан, ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишдаги транспорт харажатларини субсидиялаш механизминини қўллаш бўйича хорижий мамлакатларнинг таъминоти татбиқ этиш имкониятини ўрганиб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда электротехника саноатида инвесторларни ва хорижий етакчи электротехника ва электр-маиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги икки ой мuddатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини оператив тарзда рўйхатга олишда кўмаклашиш ва соҳани янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги:

“Ўзқилимчиранглиметалл” АЖ ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда бир ой мuddатда ўз қўйма қувватларида ёки тегишли рангли металлларни ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналарда маҳсулот таннларини пайсайтириш учун ишлаб чиқаришга қайта ишланган хомашени тақордан жалб этган ҳолда электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш натижасида ҳосил бўладиган рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш механизминини яратиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой мuddатда бўш турган ишлаб чиқариш объектлари негизда электротехника саноати ихтисослаштирилган кичик саноат зоналари (технопарклари)ни ташкил этиш бўйича тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада тақомиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сонли қарорининг 13-бандида бел-

гиланган имтиёزلарнинг амал қилиши маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида, хомашё товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари, республиканинг барча электротехника саноати корхоналарига татбиқ этилсин.

14. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси электротехника саноати корхоналари билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар кадрлар тайёрлаш эҳтиёжидан келиб чиқиб, электротехника саноати учун кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, шу жумладан, таълимнинг талаб юқори бўлган янги йўналишларини очиб ҳамда таҳсил олаётганларнинг электротехника саноати корхоналари ва тадқиқот муассасалари негизида малака амалиёти ўташи бўйича тақлифларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда товарлар (ишлаб, хизматларнинг давлат харидлари доирасида ўтказиладиган тендерлар, танловларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун 20 фоизгача бўлган нарх преференцияси механизмининг жорий этишни назарда тутувчи давлат харидларини амалга ошириш тартибини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

16. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Фуркат кўчаси, 1-уйда бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Бунда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси мазкур объектнинг реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашни илгари белгиланган манбалар ҳисобидан тугатишни таъминласин.

17. Адлия вазирлиги “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўринбосари Н.С.Отажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2019 йил 4 январь

**2018 йил якунида юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, мамлакатимиз эришган оламшумул ютуқлар, эзгулик, шодумонлик ва тараққиёт борасидаги муваффақиятлар зарҳал ҳарфлар билан битилди.**



## ЯНГИ МАҲАЛЛА ГУЗАРИ ОЧИЛДИ

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг фаровон турмуши, бахтли ҳаёти, ёшларнинг истиқболли келажиги йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қад ростилаётган муҳташам бинолар, кенг ва раван йўллар, замонавий уй-жойлар, спорт мажмуалари, ўқув муассасалари шулар жумласидандир.

Сергели туманининг 4-мавзеве, "Саховат" маҳалласида янги гузарнинг очилиши 2019 йилга муносиб совға бўлди.

Сергели туман ҳокими Н.Хусанов йиллангилари янги гузарнинг очилиши билан табриқлар экан, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг асл мақсади энг аввало маҳалла институтининг фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилганлигини, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга ҳизмат қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ҳа, юртга садоқатли, ватанпарвар фарзандларни камол топишида маҳалланинг ўрни, таъсири беқиёс. Халқимизнинг "Бир болага етти қўшни ота-

она" деган мақолида ана шундай эзгу тушунчалар мужассам. Айни пайтда маҳалладаги аҳоли ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, тадбиркорликка оид илғор гоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оила, маҳалла ва таълим ўрталарида ҳамкорликни мустаҳкамлаш сингари ҳаётий омишлар билан узвий боғлиқдир.

Туманда янги, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган "Саховат" маҳалла гузарининг очилиши маҳалла ахлини қувонтирди. Кутубхона, новвойхона, дам олиш хонаси, оталар чойхонасидаги шарт-шароитлар барчага бирдай манзур бўлди.

– Юртбошимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида туманимизда дастуруламал ишлар олиб борилмоқда, – дейди Сергели туман ҳокимилиги матбуот котиби Жамшид Акбаров биз билан суҳбатда.

– Янги фуқаролар йиғини гузарининг очилиши нафақат маҳаллада истиқомат қилаётганларга балки туманимиз аҳлига ҳам ажойиб Янги йил

туҳфаси бўлди. Маҳаллани улуғлаш ва кадрини ошириш миллий қадриятларимизга хос муҳим фазилатлардан биридир. Бундай янги биноларнинг қад ростлаши замирида халқимизнинг фаровон ва бахтли ҳаёти акс этади.

Янги гузарнинг ишга тушганидан 6767 нафар фуқаролар истиқомат қиладиган "Саховат" маҳалласининг кексаюёши бирдай шод бўлди.

Аслида инсон оилада дунёга келади, маҳаллада вояга етади, тарбияланади ва жамиятга наф келтирадиган шахс бўлиб камолга етади. Маҳалла, нури бешик, мустаҳкам боғич, эзгулик ва яхшиликка ҳизмат қиладиган улғу даргоҳ саналади. Бу янги бинонинг қад ростлаши замирида ҳам инсонларнинг бахтли ва саодатли ҳаёт тарзи мужассам эканлигига ишонамиз.

Тадбир доирасида маҳаллада жойлашган 104-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар янграб, дилбар рақслар ижро этилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: янги гузар очилиши маросимидан лавҳа**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди.**

## "ОИЛА" МАРКАЗИ ҚОШИДА МАХСУС ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бу курсларда ўқув машғулотларини ўтказиш учун етакчи таълим, тадқиқот ва илмий муассасаларнинг ходимлари, шунингдек, амалиётчи мутахассислар жалб этилди. Уларда бугунги кунга қадар 3,5 миңдан зиёд оилалар билан ишлайдиган масъул ходимлар малака оширди.

– Мазкур ўқув курсларида касб малакасини ошираётган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича маҳалла мутахассислари учун белгиланган дарс машғулоти дастурлари белгиланган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Инобат Каримова. – Бу дастурларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, камил шахсни камолга етказиш каби йўналишларга асосий эътибор қаратилган.

Маънавият, психология тренингларида инсон руҳияти, воқеа-ҳодисаларга соғлом муносабати, фикрлаши ва дунёқарашида оиланинг, ота-она, ақилларнинг таъсири ҳақидаги таҳлиллар ўрганилади. Соғлом турмуш тарзи, миллат ғеанофининг соғломлиги, демография вазиятларини барқарорлаштириш репродуктив саноатлик машғулотида тингловчиларга етказиш, ижтимоий хизмат йўналишидаги маҳорат сабоқларида оиланинг генотипи ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишининг аҳолини баҳолаш мезонлари, ижтимоий иш ходимининг ахлоқ этикаси ҳаётий фактлар ва интерфол усулларида ўргатилмоқда.

– Мазкур ўқув курсларининг ташкил этилгани самарали бўлмоқда. Бу курсларда мутахассислар фаолиятининг натижадорлигини ошириш, муаммолар ечимини топишнинг таъсирчан механизмларини ўргандик, – дейди Андихон шаҳар "Садда" МФЙ тингловчиси Раъно Раҳмонова. – Айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқлари, гендер тенглиги, оиладаги зўравонлик, одам савдоси каби ўта долзарб муаммоларнинг ўқитилиши, оила мустаҳкамлиги ва демография масалаларининг ўзаро боғлиқлигини англашимиз, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларини кенг қамровли ўрганишимиз фаолиятимизда жуда аҳамиятли бўлди.

**Гулноза БОБОЕВА**

**Мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиётида солиқ сиёсати муҳим ўрин тутди. У адолатли ҳамда республиканинг потенциал имкониятларини рўйбга чиқаришда туртки бўлиши истиқболдаги ишлаб чиқариш ва инвестициянинг ўсишига ҳизмат қилиши керак.**

## СОЛИҚ КОНЦЕПЦИЯСИ ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тақомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги Фармони бир қатор янгиликларни ўз ичига қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида бизнес учун жуда катта имкониятлар, халқроқ даражадаги кулай шароитларни назарда тутадиган ушбу концепция Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон Банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда ва албатта, кенг жамоатчилик мувоқамасидан ўтган сўнг қабул қилинди.

Концепцияга асосан солиқ турлари камайди. Илгари солиқ турлари 19 та бўлган бўлса, 2019 йилдан 15 таси қолди. Товар айланмаси 1 триллиард сўм бўлган корхоналар умумий белгиланган солиқ тўловларига ўтиши белгиланган берилди. Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди ва фақат тадбиркор фойда кўргангагина тўланадиган бўлди. Бизнес ҳамжамияти учун оғир юк бўлиб келаятган ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳам 30 фоизга пасайтирилди.

Илгари 4 хил ставкада солиқ тўланган бўлса, энди ягона ставкада солиқ тўланадиган бўлди. Солиқ ставкалари тизимининг соддалаштирилиши тадбиркорлар ва аҳоли учун қатор қулайликлар яратмоқда.

Албатта, бундай имкониятлар тадбиркорларнинг ҳалол ишлаши, кўпроқ иш ўринлари яратишига ҳизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, солиқ тўловчи у хоҳ жисмоний хоҳ юридик шахс бўлсин эркин, ҳеч қандай оворагарчиликларсиз ўз солигини инсоф билан тўлаши учун солиқ идоралари эса очиқ-ошқора, адолатли ва кўпроқ қулайликлар тақдим этишлари учун шароитлар яратилмоқда. Буларнинг барчаси иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, адолатли ва рағбатлантирувчи солиқ тизими асосида соғлом рақобатни вужудга келтиришга қаратилган. Бу эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ошишига олиб келади.

**Акмал УСМОНОВ, Мирзо Улугбек тумани прокурори ўринбосари**

## МАДАНИЙ ВА ИЛМИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕРОСИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Маълумки, Ўзбекистонимиз дунёнинг энг қадимги маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади ва унинг ҳудудидида бир неча миң йиллар давомида давлатчилик анъаналари шаклланиб келган.**

Бу ердан шарқ ва гарбни боғловчи Буюк Ипақ йўлининг ўтганлиги ҳам тасдиқ эмас. Дунё цивилизациясининг марказларидан бири ҳисобланиб келинган кўҳна ва навқирон юртимизда илм-фан билан бирга, шаҳарсозлик анъаналари ҳам босқичма-босқич тақомиллашиб келгани тарихдан маълум.

Шунинг учун бўлса керак, дунё жамоатчилиги юртимизда тарихий-моддий меъморчилик обидалари, кўҳна осори-атикалар кўплигини эътироф этиб, мамлакатимизга "очик осмон остидаги музей" дея таъриф берган эди. Аммо бугунги кунда кўплаб тарихий ёдгорликларимиз буткул таъмирга муҳтож, айримлари йўқолиб кетиш даражасига келиб қолди, минг афсуски, баъзиларини йўқотиб ҳам бўлган эканмиз. Натижада бугун мамлакатимиздаги мавжуд барча тарихий ёдгорликларни хатловдан ўтказиш зарурати пайдо бўлди ва бу вазифа Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партияси томонидан амалга оширилди.

Чунки, халқимизнинг тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаятган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром йўғотиш, мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириш каби эзгу амаллар партиянинг энг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

ЎЗМТДПнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтимиздаги тарихий объектларни хатловдан ўтказиш мақсадида тегишли вазирлик, идоралар вакиллари ҳамда шаҳар ва туман кенгашлари депутатларидан иборат ишчи гуруҳларининг ўрганиши натижасида бош кентимизда ҳам бу борадаги аҳвол ижобий эмаслиги маълум бўлди.

Тошкент шаҳар ва вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекциясидан олинган маълумотларга кўра, пойтахтимизда 346 моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Улардан 23 таси археологик, 291 таси архитектура, 33 таси монументал санъат ёдгорликлари ҳамда 3 таси диққатга сазовор жойлардир.

Ўрганишлар жараёнида айрим маданий мерос объектларининг манзили ўзгарган бўлса, айримлари таъмирга муҳтож, муҳофаза ҳудудлари чегараланмаган, кадастр ҳужжатларида камчиликлар бор, муҳандислик коммуникация тармоқлари билан таъминланмаган. Улар орасида бугун йўқолиб кетиш даражасига келиб қолганлари бор.

Хатто йўқолиб кетганлари ҳам аниқланди. Мисол учун, Мирзо Улугбек тумани кесимида ўрганишлар жараёнида Олтинтепа (IV-VIII асрлар) ҳамда Шўртепа (X-XII асрлар) археологик ёдгорликларининг бугун

фақат манзили, маҳалла, кўчалар номи қолгани аниқланди. Уларнинг ўрнида йўл ва бошқа иншоотлар қурилиб кетган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг ачинарлиси, қаровсиз ётган айрим обидалар маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, экин майдони ёки чорва моллари боқиландиган ҳудуд сифатида фойдаланилмоқда. Кўплаб ёдгорликларнинг реставрация ишларида мутахассис эмас, арзон ишчи кучининг жалб қилиниши оқибатида уларнинг тарихийлигига путур етган.

Ишчи гуруҳлари томонидан аниқланган бундай муаммо ва камчиликлар ОАВда кенг ёритилди. Телевидение, радио, газета ва ижтимоий тармоқлар орқали танқидий рўхда кўплаб мақолалар, репортажлар, суҳбатлар эълон қилинди. Таъкидлаш лозим, айнан ушбу чиқишлар тегишли идора раҳбарлари, маҳалла фаолларини ўз тасарруфи ёки ҳудудидидаги айрим тарихий иншоотларга бўлган эътиборини кучайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қабул қилинган Қарори юқорида эътироф этилган муаммоларни бартараф этишга ҳизмат қилади. Қарорда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда унинг миқтақаларо (минтақавий) давлат инспекциялари негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилиши ва департаментнинг асосий вазифалари белгиланди.

Бундан ташқари, тегишли идораларнинг ушбу Қарор ижросини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалари белгиланди. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Қарори ЎЗМТДПнинг мақсад ва вазифаларига ҳамоханг. Демак, ЎЗМТДП ва унинг ҳудудлардаги маҳаллий кенгашлари ҳам жойларда "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши лозим.

**Отабек ЖИЯНБАЕВ, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати**

## Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджет, давлат мақсади жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий курсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни тарғиб қилиш ва ҳаражатларни ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги ЖК/20-01-32-10/724-сонли хатига асосан,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий курсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги 402/46-5-сонли қарори билан қабул қилинган Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:  
Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;  
Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2019 йил даромадлари ва ҳаражатлари, шаҳар маҳаллий бюджетдан туман маҳаллий бюджетларига ажратиладиган мақсади ижтимоий трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

Давлат солиқларидан шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2019 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йил учун бюджет параметрлари 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасига ўрнатилган тартибда тегишли маҳаллий бюджетларга маблаглар ва бюджет суудалари (даромадлари ва ҳаражатлар ўрталаридаги вақтинчилик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда, уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан шунингдек, иш хақи (ғона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет ҳаражатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг ҳаражат қисмига ўзгартиришлар киритишга рўхсат берилсин.

5. Ушбу қарор "Тошкент оқшони" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтга жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўчга қиради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хаджижадаев зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артикходжаев**

2018 йил 27 декабрь

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА 2019 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджет, давлат мақсади жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий курсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳри бўйича 2019 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, туман ҳокимликларига 2019 йил маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларини солиқ тўловчилар эътиборига етказишлиши ва ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Тошкент оқшони" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтга жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўчга қиради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг "Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича" доимий комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Т.Матибаев**

2018 йил 26 декабрь



Футбол янгиликлари

МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН

Миллионлаб мухлислар кутган кунлар тобора яқинлашмоқда. 2019 йилнинг 5 январидан 1 февралига қадар БААда футбол бўйича Осиё кубоги мусобақаси бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнир БААнинг 4 та шаҳридаги саккизта стадионда ташкил-лаштирилади. Ун еттинчи марта ўтказиладиган қитъа биринчилигида илк марта 24 та миллий терма жамоа голиблик учун кураш олиб боради. Қувонарлиси, ушбу турнирда Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси "F" гуруҳида Уммон, Япония, Туркманистон терма жамоаларига қарши галаба учун майдонга тушади.

Гуруҳнинг сўнгги турида ҳамюртларимизга қитъамизнинг энг кучли терма жамоаларидан бири Япония рақиблик қилади. Мазкур баҳс 17 январда уюштирилади. Биз ўзбекистонлик футбол мухлислари номидан миллий терма жамоамизга омад ёр бўлишни тилаган ҳолда, эътиборингизга қолган гуруҳлар вакиллари таништириб ўтамиз.

Осиё кубоги гуруҳларида иккита юқори ўринларни эгаллаган терма жамоаларимизнинг натижаси бўлиши мумкин. Шунингдек, мавжуд 6 та гуруҳда 4 та энг яхши натижага эришган 3-ўрин соҳиблари ҳам нимчорак финалга чиқишади. Нуфузли турнирнинг бош соврини учун кечадиган финал учрашуви 1 февралда ўтказилади.

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Футбол бўйича 17-март ташкиллаштирилётган Осиё кубоги БАА мезбонлик қилади.

Январ ойида бўлиб ўтадиган қитъага энг нуфузли футбол турнири Ўзбекистон миллий терма жамоамиз учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу сафар қитъа кубоги мамлакатимизнинг бош жамоасини аргентиналик тажрибали мураббий сифатида олиб боради. Мухлисларга маълумки, Осиё кубоги олдидан Эктор Купер шогирдлари Туркияда ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишди. Бош мураббий ҳамда миллий терма жамоамиз аъзоларининг мақсади Осиё кубогида зафар қушиш.

Ярим ҳимоячилар: Одил Ҳамробеков, Одил Аҳмедов, Отабек Шукуров, Фозил Мусаев, Жалолдин Машарипов, Азиз Турғунбоев, Дoston Ҳамдамов, Жавоҳир Сиддиқов, Икром Алибоев, Элдор Шомуродов. Ҳужумчилар: Марат Бикмаев, Сардор Рашидов. Дарвоқе, Туркиядаги ўқув-машғулот йиғинида қатнашган Жавоҳир Илёсов, Дилшод Раҳматуллаев, Жасур Яхшибоев ҳамда Иван Нагаев Осиё кубоги бормайдиган бўлди. Шунингдек, кўп йиллар миллий терма жамоамизда моҳир ҳимоячи сифатида мухлислар меҳрини қозонган Виталий Денисов ҳам таркибга киритилмади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Экологик партияси таъсис сьезидига Тошкент шаҳридан делегатлар сайлаш бўйича конференция бўлиб ўтди.

Унда экологик сийсий партия тузиш бўйича ташаббускорлар, экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, ОАВ ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Конференцияда Ўзбекистон Экологик партиясини тузиш бўйича кўрсатилган ташаббус ва Ўзбекистон Экологик партиясини тузиш бўйича Ташкилий қўмита томонидан олиб борилаётган ишлар, тузилаётган партиянинг Устави ва Дастури лойиҳаси, партиянинг таъсис сьезидига вилоятдан делегатлар сайлаш масалалари муҳокамалар марказида бўлди. Илгирлигида сўз олганлар томонидан таъкидланганидек, ўтмишда атроф-муҳит ҳолатига эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан мейвандан ортиқ фойдаланиш ва экологик талабларга эътибор қаратмаслик Орол денгизи қуриши, чўлланшиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генотипининг ёмонлашуви, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, кўп микродарса ва бошқа чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши каби бир қатор глобал ва минтақавий экологик муаммоларнинг кайта бўлишига олиб келди. Ушбу муаммолар икким ўзгариши содир бўлаётган шароитларда янада яққол ва кучлироқ намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўймоқда.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар саломатлигини сақлашга йўналтирилган тизимли ўзгаришларга жамиятнинг барча кучларини бирлаштиришга даъват қиладиган сийсий куч – Ўзбекистон Экологик партиясини тузиш тақлифи маъқуллиниб, партия тузиш бўйича Ташкилий қўмита шакллантирилган эди. Партияни ташкил этиш "йўл харитаси"га мувофиқ ўтказилган конференцияда иштирокчиларга Ўзбекистон Экологик партиясини тузиш бўйича Ташкилий қўмита томонидан олиб борилаётган ишлар, партиянинг Устави ва Дастури лойиҳаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда сўз олганлар бўлғуси экологик партия олдида катта ва масъулятли ишлар турганини алоҳида қайд этиб ўтишди. Мамлакатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, Ўзбекистон аҳолиси учун қулай экологик шароит яратиш ва ноёб табиати сақлашга жамиятнинг барча кучларини сафарбар қилиш, ҳудудий ва маҳаллий экологик ва фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамиятда экологик маданият даражасини кўтартириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий гуруҳ, Ватанга ва табиатга содиқлик ва муҳаббат ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратиш, ёшларни табиат ва унинг ресурсларига эътиёркорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишларига ҳисса қўиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида халқро ҳамкорликни ривожлантириш, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, Орол денгизи инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Конференцияда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жонбозлик кўрсатётган, шу соҳада тажриба ва салоҳиятга эга номзодлар орасидан Ўзбекистон Экологик партияси таъсис сьезидига Тошкент шаҳридан 25 нафар делегатлар ошроқлик принциплари асосида сайлаб олинди. Шунингдек, тадбирда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Дияра ШАРИПОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзбекизқорқатзаҳира" уюшмаси жамоаси уюшма меҳнат фахрийси Гулнора Исмоиловна ТАРАСОВАнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи томонидан Шароф Аскаржон Азимжон ўғли номига 2016 йилда берилган К № 4461469 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қилмиш – қидирмиш

Жиноят қончилигида ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, унда фойдаланишда ифодаланган ҳаракатларни содир этган шахсларга жавобгарлик белгиланган.

БИЛА ТУРИБ ҲУҶЖАТЛАРНИ СОХТАЛАШТИРДИ

Қаҳрамонимиз Илҳом Чориев (исм-шарифлар ўзгаририлган) 25 ёшда. У 2017 йил февраль ойида таниши Д.Раҳматовдан "ВАЗ-2107" автомашинасини ижарага олиб, ушбу автомашинага Р.Бобононов номида бўлгани учун ишончнома орқали миниб юрди. 2017 йил 6 май кунги фуқаро Ж.Холиқов билан автохалокат содир бўлди. Бу иш Сергели тумани Маъмурий судида кўрилди. Суд Ж.Холиқовдан Р.Бобононов фойдасига 5 млн. 208 минг сўм ундирув қарори чиқарди. Аммо Ж.Холиқов бу пуллари тўламади. Шундан сўнг, И.Чориев сўғурта компаниясига мурожаат қилиб, Р.Бобононов номига 4 млн. 200 минг сўм сўғурта пулини олади.

итимос қилади. Эвазига автомашинани таъмирлаш учун 1 млн. сўм пул беради. И.Чориев таъмирлаш учун рози бўлгани учун Ж.Холиқов билан Сергели тумани МИБга боришади. Хуллас, И.Чориев гўёки Р.Бобононов номидан Ўзбекистон тилхатга сохта имзо чекади. Уни ижрочиларга беришади. Орадан бир неча кун ўтиб, Ж.Холиқов автомашинани таъмирлаш учун керак бўлган 800 минг сўм пулни Илҳомга бериб юборади. Май ойларида И.Чориев таъмирлаш ишларига кўп пул кетгани сабабли ижара пулини тўлаб олмади. Д.Раҳматов автомашинани олиб кетди. И.Чориев машинасини қолди. Суд Р.Бобононов даъвоси асосида ушбу ишни кўриб чиқди. Ва И.Чориевга ЖКнинг бир қатор моддаларини қўллаб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади хисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой алоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. М.КЎКИЕВ, жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг судьяси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бoshқармаси томонидан 14.09.2017 йилда TN № 000972 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган реестр тартиб рақами 971 бўлган "LAW CONSULTING CENTRE" адвокатлик фирмаси 5.01.2019 йилдаги 3-сонли шериклар йиғилиши баённомасига асосан ихтиёрий равишда ТУГАТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани "Давлат хизматлари маркази" томонидан 11.04.2018 йилда № 599533 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "АНУНБАЙ" МЧЖ (СТІР 305479626) таъсисчининг 4.01.2019 йилдаги қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Адлия бoshқармаси томонидан 25.12.2015 йилда TN № 000791 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган "НУОУҚ-ТА МІН" адвокат бюроси 3.01.2019 йилдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ТУГАТИЛАДИ

Биласизми?

ТАБИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ СИРЛАРИ

Фермерлар томонидан етиштирилган сўт маҳсулотлари, янги творог ва эгзатдан эндигина олиб келинган кўкатларни супермаркетдан ҳам харид қилса бўлади. Бу борада мантиқ ва бир неча маслаҳатлар асқотади.

Энг мазаги сабзавот ва меваларни танлаш Кўплат мамлакат дўконлари пештахталарида мавсумий мева ва сабзавотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Айни дамдаги иклим шароитида нима пишиб етилаётганини уйлаб кўринг. Нарх эзилган жойда бунинг тасдиғини топиш мумкин: одатда мавсумий сабзавотларнинг номида "ёш", "янгил ҳосил" сўзлари учрайди. Иссиқхонада етиштирилган сабзавот ва мевалар мавсумга бўйсунмайди – уларни йил бўйи харид қилиш мумкин. Харид вақтида ҳаво ўтказадиган ўраларни танлаган маъқул.

Янги гўшт ва балиқни танлаш Едингизда бўлсин, ҳарорат режими нуқтаи назаридан бу маҳсулотлар ўзига нисбатан "ҳурмат билан муносабат қилиш"ни талаб этади. 0 дан +4 даражада улар бор-йўғи 24 соат сақланади.

Замонавий технологиялар – вакуумли ўрам ва модификация қилинган газли муҳит харидор ва сотувчига ёрдамга келмоқда. Вакуум оқидиланишининг асосий манбаи – ҳаво билан маҳсулот алоқасига имкон беради. Бундай ўрам унинг яроқлилик муддатини 20 кунгача узайтириши мумкин. Қўрқинчли номига қарамай, газли муҳит ўрамини бу – ҳаво инерт газлар билан алмаштирилган ёпиқ пакет ёки лоток. Бундай усул маҳсулотни 5 кунгача яхши ҳолда сақлашнига ёрдам беради.

Хар иккала ўрамда ҳам битта ўзига хослик бор: очилган заҳоти бегона ҳид келиши мумкин.

Агар янги балиқни ўралмаган ҳолатда олаётган бўлсангиз, сотувчидан маҳсулот музлатилгани ҳақида маълумот сўраг. Муз эриганидан кейин унинг тузилиши ўзгаради ва бундай маҳсулот сизга гастронимик лаззат бера olmayди.

Музлатилган маҳсулотларга диққат билан эътибор бериш лозим. Биринчидан, кўпинча гўшт ва балиқ маҳсулотлари дўкон молявий жихатдан зарар кўрсатилган учун яроқлилик муддатининг сўнгги кунини музлатилади. Иккинчидан, музлаш режими транспортда етказиш ва сақлашда ҳам бир маромда сақлаш мушқул. Режимида риюа этмаслик эса таъм сифати ва фойдали моддаларини сақлашга таъсир кўрсатади.

Табиий сўт маҳсулотларини танлаш Сақлаш ҳарорати эътибор беринг. Табиий сўт маҳсулотларини оптимал сақлаш учун +2 дан +4 даражагача бўлган ҳарорат тасвია этилади.

Сўт маҳсулотларининг табиийлиги бўйича муҳим жихат унинг яроқлилик муддати саналади. Сўт, янги пишлоқ ва творог учун муддат масалан 5 кунни ташкил этади.

Икки ҳолатдагина узокроқ муддат давомиди сақлаш мумкин: агар маҳсулотга консервантлар қўшилса ёки чуқур термик қайта ишлаш амалга оширилган бўлса. Сўт учун иккита технология бор: стерилизация ва пастеризация. Улар мов равишда 110 ва 60 даража ҳароратда ўтказилади. Қайта ишлашнинг юқорироқ даражаси яроқлилик муддатини оширади, бироқ фойдали моддалар микдорини камайтиради.

Таркибда "нормаллаштирилган сўт" сўзи сутнинг ёмғирлиги янада кўрсаткичига олиб келинганини аналгатади. "Тикланган сўт" эса бу – куруқ сўт ва сув аралашмасидир.

Қўшимчаларга эътибор беринг. Сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси пишлоққа қўшадиган хандон пистани ўзи етиштирмаसा керак ёки йогурт таркибиди мураббон ўзи ишлаб чиқармайди. Қўшимчалар универсал бўлиб, маҳсулотга табиийлик берамайди.

Маҳсулот таркибини тўғри ўқиш Асосий кода – сўзлар қанча кам бўлса, шунча яхши. Агар маҳсулот таркибиди ингредиентларнинг узун рўйхатини кўрсангиз, демак маҳсулотни тулақонли табиий деб бўлмайди. Шунингдек, ингредиентлар таркибда камайиш тартибиди кўрсатилди.

Агар таркибда консервантлар бўлса, кўпинча кўржинчи "Е-чилар" ортида одатий моддалар – туз, аскорбин кислотаси бўлишини ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариш жойи яроқлилик қандай таъсир кўрсатади? Маҳсулот сиздан қанчалик узоқда етиштирилганига эътибор беринг. Масалан, гап янги резавор мевалар ҳақида борар экан, уларнинг яроқлилик муддати 7-10 кунни ташкил қилади. Энг яхши ҳолатда 1-2 кун – йиғиш, ўраш, партияни тайёрлаш, яна 1-2 кун – транспортда етказишга кетади. Барча йирик тармоқлар марказлашган омборхоналар тизимидан фойдаланади. Бу эса маҳсулотнинг дўкон пештахтасигача бўлган йўлига бир неча кун қўшади.

Бундай шароитда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига янги ҳолатда сақланади. Қолган вазиятларда яроқли ҳолда сақлаш учун уларни қайта ишлаш керак бўлади.

Болалар маҳсулотларини қандай танлаш керак? Номида "Болалар учун" деб ёзилган ва ўрамада мультфильм қаҳрамонлари туширилган маҳсулотлар жуда кўп. Бироқ кўпинча уларнинг болалар учун сифатли маҳсулотларга алоқаси йўқ. Чақалоқлар учун ҳавфсиз ва фойдали бўлган маҳсулотларга қисқа қилиб "Болалар озуқаси" деб ёзилади.

Ўрамада мультфильм қаҳрамонлари акс эттирилган маҳсулотлар ортида эса буюк, фосфат ва глутамат натрий қўшилган маҳсулотлар ширин бўлиши мумкин. Бу эса аллергияга мойиллиги бўлган болалар учун айнакча хавфли.

Ўйлаймики, ушбу маслаҳатлар тўғри танловни амалга оширишда ёрдам беради. Сизларга омадлик харид, вақт ва маблағингизни самарали сарфлашингизни тилаймиз! О.ЯХШИБОВЕВ тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани "Давлат хизматлари маркази" томонидан 25.09.2018 йилда № 638744 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "АВАЗБЕК FOODS" МЧЖ (СТІР 305771081) таъсисчининг 7.01.2019 йилдаги қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 46-ўй, 18-ноҳадон манзилда қабул қилинади. Тел: (+99898) 368-11-81.

Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетини раҳбарлиги ва жамоаси "Электрон аппаратларини ишлаб чиқариш технологиялари" кафедраси мудири Дилноза Артикабаева Ташмухамедовага волидан мухтарасини Маҳбуба Гафуровна ХАКИМОВАнинг вафоти муносабати билан оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ Тошкент шаҳрида 8 январь кунини ҳаво ўзгариш турари, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 3-5, кундузи – 5-7 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлонланиш даражаси наст бўлади.